



НОРУДА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҚАЗИБ ОЛИШДА АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИНИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Мадримов Р.М., Мирзаев С.С.

*Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари
илмий тадқиқот институти*

Таянч сўзлар: Зарафшон, Чирчик, норуда, атроф-муҳит, тош, кум, шағал, дарё, ўзан.

Ключевые слова: Зарафшон, Чирчик, неродный, окружающая среда, камень, песок, гравий, река, русла.

Key words: Zarafshon, Chirchik, non-native, environment, stone, sand, gravel, river, stream.

Кириш. Бугунги кунда табиий норуда қазилма бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимиз томонидан бу соҳада бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ҳозирги бунёдкорлик яъни қурилиш ишлари жадал кетаётган бир пайтда норуда материалларга ҳам талаб кескин даражада ошмоқда[1,2,3,4].

Табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишда норуда материаллардан кум, шағал ва тошлардан ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Дарё хавзалари ва тоғли ҳудудлардаги норуда материалларни қазиб олишда атроф-муҳитга етказилган зарарлар кун сайин ортмоқда (расм.1.).

Бу масалага илмий нуқтаи назардан ёндошув экологик ҳолатига баҳо бериш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш устувор масалалардан ҳисобланади.

Олинган маълумотларнинг таҳлили ва муҳокамаси: 2022 йил 02 июндаги 01/12-2022-сонли “ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–76-сонли Қарори “Йўл харитаси”нинг IV бўлими, 17-бандига асосан табиий норуда материалларни ноқонуний қазиб



Расм.1. Қум қазиб олиш жараёни

олишда табиий объектларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси қарори ва низом лойиҳасини тайёрлаш” лойиҳаси доирасида тадқиқотлар амалга оширилди. Экология вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари шунингдек, Геология вазирлиги ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан ер ости бойликларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини жойларда бажарилиши бўйича назорат ишларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, табиий норуда материалларини ноқонуний қазиб олиш билан боғлиқ ҳолатлар йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Экология вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2019-2021 йиллар мобайнида, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини ҳамда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга оширишдаги қонун бузилишлар республика бўйича жами 3530 та, етказилган зарар бўйича маъмурий 6 120,8 млн. сўмдан ортган. Ҳудудларда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш Самарқанд (520 та), Жиззах (495 та), вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (364 та), Наманган 340 та, Сирдарё (262 та), Навоий (238 та), Сурхондарё (231 та) ва Фарғона (227 та) вилоятлари норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари кузатилган. Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини энг кўп бузилиши ҳолатлари Наманган (123 та), Фарғона (64 та), Қашқадарё (50 та), Тошкент (29 та), Андижон (25 та), Самарқанд (24 та) вилоятларига тўғри келган.



Расм.2. қум-шағал қазиб олиш жараёни.

Геология вазирлиги хузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан 2019-2021 йиллар давомида ҳудудларда амалга оширилган назорат тадбирлари натижасига кўра, 7 та турдаги (тупроқ, қум-шағал, каврц қуми, гранит, оҳактош, мрамар, порфирит) фойдали қазилмаларни ноқонуний қазиб олиш бўйича жами 458 та ҳолатлар аниқланиб, ноқонуний қазил олинган фойдали қазилма миқдори 10,636 млн. м³ни ташкил қилган. 2019-2020 йилларда давомида тўпланган материаллар асосида ноқонуний қазиб олинганлик оқибатида 198,420 млрд. сўм миқдорида етказилган зарар етказилганлиги аниқланган. 2019-2021 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятида 80 та, Самарқанд вилоятида 74 та, Тошкент вилоятида 71 та, Бухоро вилоятида 30 та, Андижон вилоятида 29 та, Сурхондарё вилоятида 28 та, Фарғона вилоятида 26 та, Навоий вилоятида 24 та, Жиззах вилоятида 22 та, Наманган вилоятида 15 та норуда қазилмаларни ноқонуний қазиб олиш ҳолати кузатилган. Кейинги 3 йил давомида республика ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ўзанлари ҳамда қирғоқ бўйида норуда фойдали қазилмаларни қазиб олувчи тадбиркорлик субъектлари 405 тага кўпайган (расм.2). Зарафшон ва Чирчиқ дарёларида 80 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан қум-шағал қазиб олиниши натижасида табиий ландшафт бузилиб, экологик ҳолат ёмонлашган ҳамда сув сатҳи пасайиб кетганлиги, ушбу экологик ҳолат сув таъминотига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳамда ўсимлик қопламани камайиб бораётганлиги аниқланди.

Сув ҳавзаларида ноқонуний ва тартибсиз равишда қум шағал қазиб олиш оқибатида табиатни экологик мувозанатини бузилиши ҳамда дарёларнинг



қуриши, ер ости сувлари сатҳининг пасайиши, чўлланиш ва ихтиофаунага салбий таъсирлари кузатиляпти. Дарё ўзанларидан кум-шағал аралашмасини қазиб олиш ишлари жараёнларининг, тупрок, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ихтиофауна ва орнитофаунанинг бузилиши билан бевосита боғлиқ.

Ўзан жараёнларидаги норуда материаллар карьерларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ҳамда ўзани рельеф шаклининг ўзгариш тезлик ва режими бўйича илмий ёндошувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, дарё ўзанини доимий мониторинг қилиниши лозим.

Хулоса: Қум -шағал аралашмасини қазиб олишда ва дарё ўзанини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда қуйидаги талабларни амалга ошириш тавсия этилади:

- очик сув оқимлари ўзанларининг деградацияси, чуқурлаштириб юбориш ва эрозиясига йўл қўймаслик;
- дарё ўзанини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини лойиҳада кўрсатилган траншея ўлчамлари, баландликлари ва қияликларига риоя қилган ҳолда бажариш,
- эрозияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш;
- чиқиндиларни вақтинча сақлаш жойлари, техникани сақлаш, хизмат кўрсатиш жойлари, шунингдек техникани таъмирлаш ишларини дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш ҳудудларидан ташқарида жойлаштириш.

Адабиётлар:

1. Абхази В.И. “Гидромеханизованная добыча песчано-гравийных материалов. Разработка обводненных карьеров и классификация песчано-гравийных материалов.” 1972.
2. Рахимов Ш. Т. “Бетон тўлдирувчилар технологияси (Норуда материаллар ишлаб чиқариш технологияси)”, Тошкент-2020
3. Низомов Ш.Р., Юсуфхўжаев С. А. Қурилиш конструкциялари ҳисоби асослари. Тошкент-2014.
4. uz.wikipedia.org

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишда, хусусан норуда материалларни қазиб олишда атроф-муҳитга етказилаётган зарарни ортиб борётганлиги ва уларнинг олдини олишга қаратилган чора тадбирларни илмий ёндошувлар асосида амалга ошириш тўғрисида фикрлар юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приводятся причиненный ущерб окружающей среде при добыче нерудных природных ресурсов и предлагается выполнить принятых мер по их предотвращению на основе научных подходов.

SUMMARY

This article presents the damage caused to the environment during the extraction of non-metallic natural resources and proposes to implement measures taken to prevent them based on scientific approaches.